



МАЪМУРИЙ ЧЕКЛОВ НИМА?

Абдужалилов Улуғбек Жалолиддин ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
314-гуруҳ курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Aprel 2023 yil
Ma'qullandi: 28-Aprel 2023 yil
Nashr qilindi: 06-May 2023 yil

KEY WORDS

маъмурий чеклов, ҳуқуқ ва эркинлик, мажбурият, рухсатсиз чиқиш, алкогольли ичимлик, истеъмол қилиш.

ABSTRACT

ХМҚОларга шу жумладан ИИОларига жамиятимизда содир бўлаётган турли жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифа юклатилган. Айниқса улғайиб келаётган ёшларни қалбига йўл топа билиш, уларнинг қалбида ватанга мухаббат, меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири десак бизнинг тўғридир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб асосий мақсад-жиноятчилик билан боғлиқ ижтимоий-салбий иллатларни олдини олишда турли тоифадаги жиноятчиликнинг олдини олишда ва унга қарши курашишда айниқса жиноят содир этишга кўпроқ мойил бўлган муқаддам судланган шахслар билан ишлашда профилактиканинг усул ва шаклларида унумли фойдаланиш ва бу борадаги ишларни такомиллаштириш ҳозирги замоннинг талабидир.

Маъмурий чеклов - ҳуқуқ ва эркинликларни вақтинчалик чеклаш ёки зиммага мажбуриятлар юклатиш бўлиб, ушбу чеклаш ёки мажбурият юклатиш жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсга нисбатан суд томонидан белгиланади. Яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишни; муайян жойларда бўлишни; суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатсиз чиқишни; алкогольли ичимликлар истеъмол қилишни тақиқлаш; рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига келиш маъмурий чеклов турларидир.

Қай ҳолатда ўрнатилмайди?

Маъмурий назорат суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик; ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ва ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Вояга етмаган шахсларга, судланганлиги олиб ташланган ёки

судланганлик ҳолати тугалланган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин эмас.

Қандай тартибда ўрнатилади?

Бу ишлар жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан кўрилади. Судга асослантирилган тақдимнома ўта хавфли рецидивистлар, жазони ижро этиш муассасаларида турган оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, агар улар жазони ўташни қасддан бузувчилар деб топилган бўлса, уларни озод этишдан камида бир ой олдин жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи томонидан киритилади. Жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан тегишли ички ишлар органининг бошлиғи томонидан тақдимнома киритилади. Тақдимнома суд томонидан ўн кун ичида кўриб чиқилиши керак.

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилади. Назорат остидаги шахснинг яшаш жойи бўлмаган тақдирда, суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларига назорат остидаги шахсни турар жой билан таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор чиқаради. Назорат остидаги шахсга қидирув эълон қилинганда ва суд томонидан бедарак йўқолган деб топилганда назорат муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади. Назорат муддати назорат остидаги шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда ички ишлар бўлимининг тақдимномаси асосида олти ойгача, бироқ судланганлик муддати тугалланишидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Topildiyev V.R. Ta'lim – tarbiya jarayonlarini tashkil etishning qonunchilik normalari–Т., 2016. -144 bet.
2. Oliy ta'lim. Me'yoriy - huquqiy va uslubiy xujjatlar to'plami. "Istiqlol" -Т.: 2013.
3. Аксенов Д.А. Образовательное право Учебное пособие М. Книгодел 2016
4. Mirziyoyev SH.M. Demokratik islohotlarni izchil davom ettirish xalqimiz uchun tinch va osoyishta, munosib hayot darajasini yaratish – barqaror taraqqiyot kafolatidir // Xalq so'zi. 2016 yil 2 noyabr.